## ЯГОНА СИЁСИЙ КУН

# ДЕМОКРАТИЯМИЗНИНГ ЧИНАКАМ ТАНТАНАСИ

«СОЦИАЛИЗМ ЎЗ АФЗАЛЛИКЛАРИНИ ДЕМОКРАТИЯ ОРҚАЛИ РЎЁБГА ЧИҚАРАДИ. ПАРТИЯ РАҲБАРЛИК РОЛИНИНГ ЎСИБ БОРИШИ ВА СОЦИАЛИСТИК ДЕМОКРАТИЯНИНГ ЧУҚУРЛАШУВИ — ЯГОНА, ЯХЛИТ, ҚОНУНИЙ ЖАРАЁНДИР. ПАРТИЯ БУНДАН БУЁН ҲАМ ХАЛҚ ҲОКИМИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЯНГИ, ЯНАДА САМАРАЛИРОҚ ВОСИТАЛАРИНИ КЕНГ КЎЛАМДА ИЗЛАЙВЕРАДИ, УНИНГ АМАЛДА ТЕКШИРИЛГАН ШАКЛЛАРИДАН ЯХШИРОҚ ФОЙДАЛАНИШГА ЭРИШАВЕРАДИ».

*К. У. ЧЕРНЕНКО*

## ҲАМНАФАС, ҲАМҚАДАМ

### ПЛАН — САЙЛОВ КУНИГАЧА

**«Туямуюнгидрострой»га қарашли 3-қурилиш-монтаж бошқармаси бетончилар бригадири Нурмат ЙЎЛДОШЕВнинг ҳикояси**

— Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловлар шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, бригадамиз икки ойлик планни муддатидан илгари бажариш учун кураш бошлаган эди. Ягона сиёсий кунда биз бу мажбуриятни муваффақиятли уддалаганлигимиз тўғрисида рапорт бердик. Ҳозир март ойи ҳисобига меҳнат қилаётирмиз.

Ягона сиёсий кунда монтажчилар совет демократиясининг афзалликлари тўғрисида мароқли суҳбат тинглашди. Учрашув чоғида ишлаб чиқариш ва қурувчиларнинг меҳнат шароитини яхшилашга, социал-иқтисодий вазифаларни амалга оширишга, халқ депутатларининг ролини кучайтиришга доир фойдали мулоҳазалар билдирилди. Ўртоқ К. У. Черненконинг нутқларида илгари сурилган қоидалар асосида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, бригада пудрати усулини кенг жорий этиш масаласига доир кўпгина фикрлар билдирилди.

Қурувчиларимиз 24 квартирали уй, 200 ўринли санаторий-профилакторийни тезроқ фойдаланишга топшириш лозимлигини алоҳида таъкидлашди. Ёрдамчи хўжалигимиз жадал ривожланиб бормоқда. Лекин уни кенгайтириш, шу мақсадда 100 гектарга яқин ерни ўзлаштириш масаласи тўла ҳал бўлмаётир. Суҳбат чоғида умумтаълим мактабини ислоҳ қилиш, мактабнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш хусусида ҳам сўз юритилди.

### ЮТУҚЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАЙМИЗ

**Гулистон тикувчилик фабрикаси тикувчиси, КПСС XXVI съезди делегати Гулчеҳра БЕКБУЛАТОВА ягона сиёсий кунда тинглаган суҳбатини мулоҳаза қилиб, шу фикрга келди**

— Биз ўзимиз учун меҳнат қиламиз. Ўртоқ К. У. Черненко «Ривожланган социализм талаблари даражасига кўтарайлик» асарида совет кишиларининг мамлакат хўжайини туйғусини ғоят тўла баён этиб берди. Биз ҳар куни, соат сайин социалистик демократиянинг афзалликларини, у совет кишиларига бераётган имтиёзларни кўриб, ундан баҳраманд бўлиб турибмиз. Шунинг учун ҳам коллективимиз ишчилари, инженер-техник ходимлари бу сиёсий кунда алоҳида қизиқиш ва манфаатдорлик туйғуси билан иштирок этдилар.

Шу нарса қувончлики, ягона сиёсий кунларда бизни қизиқтираётган, ташвишлантираётган кўпгина муаммолар ҳал этилмоқда. Бу гал ҳам шундай бўлди. Учрашув чоғида Советларга сайловлар арафасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида фикрлашиб олдик. Депутатларга берилган наказлар қандай бажарилаётганлигидан хабар топдик. Аслида бундан ўн беш йилча муқаддам сайловчилар наказига биноан ташкил этилган фабрикамиз эндиликда қўриқ областнинг йирик саноат корхонасига айланди. Фабрикамиз ишчиларидан бир киши область, беш киши шаҳар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилган. Улар орасида Саодат Хонтўраева, Инобат Чиннибекова, Насиба Раҳмонова сингари ишлаб чиқариш илғорлари бор. Оддий ишчининг Советлар фаолиятидаги иштироки социалистик демократиямиз тантанасининг ажойиб намунасидир.

### ҲАММАМИЗНИНГ ИШИМИЗ

**Ягона сиёсий кун арафасида Андижондан Жиззах областига кўчиб келган механизатор Тўйчи УСМОНОВнинг фикри шундай**

— Чўлларни боғу бўстонга айлантириш чиндан ҳам ҳаммамизнинг ишимиз. Мен ҳам катта мақсадларни кўзлаб Жиззах чўлига келдим. 110 хўжалик янги ерларда очилаётган совхозларда меҳнат қилаётирмиз. Мен эндиликда Зомин районидаги «Хоразм» совхозида механизаторман.

Чўлда бизни қадрдонлардек кутиб олишди. Бу совет кишиларига хос фазилат, албатта. Зеро, чўлни ўзлаштириш ҳаммамизнинг шон-шараф ишимиз. Чўлга келиб, илк бор ягона сиёсий кунда қатнашдим. Даврадаги суҳбат чоғида ўзимни мана шу чўлқуварлар оиласининг аъзоси деб ҳис этдим. Совхозимиз директори А. Раҳмонов хўжалигимизнинг истиқболи ҳақида гапириб берди. Ўтган йили аранг 7 центнердан пахта етиштирилибди. Табиийки, ягона сиёсий кунда бу муваффақиятсизликнинг сабаблари, қўриқни мўл-кўлчиликка хизмат қилдириш истиқболлари ҳақида гап борди. Жумладан, дастлабки йиллардаёқ янги ерларда алмашлаб экиш тўла йўлга қўйилмоғи даркор. «Жиззахстепстрой» янги ўзлаштириладиган ерларни ирригация ва мелиорация иншоотлари мукаммал битказилмасдан фойдаланишга топширмоқда. Бу ерларнинг ҳолати бузилишига олиб келаётир. Шўр ювишда ўзибўларчилик содир бўлмоқда.

Андижондан Жиззах чўлига кўчиб келган 110 хонадондан 20 хонадон «Хоразм» совхозига жойлашди. Р. Хожиев, С. Тўйчиев, Э. Йўлдошев сингари деҳқонлар дастлабки кунлардан ишга қизғин киришиб кетишди. Эргашали Йўлдошев ўн боласи билан бу ерга келди. Унинг Одинахон, Оқилахон, Нодирахон сингари қизлари чўлни бўстонга айлантиришга отланишди. Мен ҳам ўн фарзандим билан бу ерга келдим. Ўғил-қизларим билан бирга меҳнат қилаётирман. Биз янги ерларни ўзлаштиришни, уни мўл-кўлчиликка хизмат қилдиришни ўзимизнинг ватанпарварлик бурчимиз деб биламиз.

ИШЧИ СЎЗИ

## КОЛЛЕКТИВ ЎЗАГИ

Заводимиз шуҳратини ошираётган коллективнинг ўзаги — фидокор кишилар ҳақида ҳар қанча гапирсанг ҳам оз. Улар меҳнат билан, айнан ҳалол меҳнат билан эл эътиборини қозониб келишяпти. КПСС XXVI съезди делегати, Ҳамза район партия комитетининг бюро аъзоси Юрий Иванович Степаненко шулар жумласидандир. Моҳир токарь корхонада 1960 йилдан бери ишлайди. Иккинчи ва учинчи даражали Меҳнат Шуҳрати ордени билан тақдирланган. Бу саҳий қалб эгаси — ёшларнинг севимли мураббийсидир. Ҳар бир ягона сиёсий кунда меҳнаткашлар билан дилдан суҳбатлашишга одатланган корхона директори Ҳ. Ғуломов ҳам мураббий сифатида қатор малакали мутахассислар ва раҳбарларни тарбиялаб вояга етказди. Коллектив катта ишонч билдириб, унинг номзодини Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кўрсатди.

Эл ўз жонкуярларини нақадар қадрлаши бугунги кунда янада яққол намоён бўляпти. Корхона партия ташкилотининг секретари А. Махсудов, ишчилардан Т. Рудина, Г. Яковенко кабиларнинг номзоди шаҳар Совети депутатлигига, О. Карпова, М. Фазлиддинова сингари ўндан зиёд фидокорларнинг номзоди эса район Совети депутатлигига кўрсатилди.

«Социалистик демократия тантанаси» мавзуига бағишланган ягона сиёсий кунда ана шу халқ номзодлари меҳнаткашлар олдида сўзга чиқишиб, ўзларига билдирилган юксак ишончни оқлаш учун янада самаралироқ, янада залворлироқ ишлашга, жамоат ишларида актив қатнашишга ваъда бердилар.

**Н. РАҲМАТУЛЛАЕВ,**
**К. Е. Ворошилов номли Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг ишчиси, Октябрь Революцияси ордени кавалери.**



«Госкомсельхозтехника» Наманган район бирлашмасида «Социалистик демократия тантанаси» мавзуидаги ягона сиёсий кун уюшқоқлик билан ўтди. Суратда: бирлашма директорининг ўринбосари Б. Алиев учрашув иштирокчиларидан бир группаси билан суҳбатлашмоқда.

Ҳ. Ҳайдаров фотоси, ЎзТАГ.

# ДАВР ТАЛАБИ

БИЗНИНГ СУҲБАТ

**Ягона сиёсий кунларда меҳнаткашлар КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларида белгиланган социал-иқтисодий тараққиёт режалари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш планлари қандай бажарилаётганлиги билан қизиқмоқда.**

**«Совет Ўзбекистони» газетасининг жамоатчи мухбири Л. Разуваева мутасадди ташкилотларда бўлиб, меҳнаткашлардан тушган шундай саволларнинг бирига жавоб олди.**

**— Амударёнинг қуйи оқимида ер ости сувларининг кўтарилиши ва экин майдонларини шўр босиши натижасида деҳқончилик учун мураккаб шароитлар вужудга келяпти. Бу вазиятни бартараф этиш учун қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?**

— Регионда мелиорация ишларининг мураккаблашиб боришига турли сабаблар бор, — деди «Узгипроводхоз» лойиҳа-тадқиқот институтининг Хоразм области бўйича сув хўжалиги объектларини лойиҳалаштириш бўлими бошлиғи В. Александров бу саволга жавоб бериб. — Уларнинг энг асосийси сизот сувлар ер юзасига яқин жойлашганлиги туфайли ҳосил бўлган гидрогеологик шароитдир. Ер қумлоқ бўлганлиги туфайли воҳада сизот сувлар йиғиладиган зовурлар, коллекторлар тез ишдан чиқади. Уларни чуқурроқ қазиш имконияти йўқ. Қолаверса, айрим хўжалик раҳбарларининг ишни илмий ташкил этиш ўрнига «таваккалчилик» билан мелиорация ишларига жиддий эътибор бермаганликлари ҳам эндиликда акс таъсир кўрсатяпти. Вақтида ерларнинг захини қочириш ишларига етарли маблағ ажратишга оғринганлар, зарур куч ва техника ажратмаганлар ҳозир афсусланишмоқда. Хоразмда маълум бўлган «субирригация» усули ҳам сизот сувлар кўтарилишига сабаб бўляпти. Ҳозирги пайтда областда ҳар гектар ер учун нормадаги 40—50 погонметр ўрнига ўртача 20 погон-метр зовурлар қазилган, холос.

Олдимизда икки муҳим вазифа турибди. Биринчидан, мавжуд коллекторлар ва уларга туташган тармоқларни тез суръат билан қайта тартибга солиш керак. Иккинчидан, қўшимча бирламчи ёпиқ зовурлар қуришга киришиш лозим. Биз бу ишларни ноқулай мелиоратив зона ҳисобланган Хазорасп ва Боғот районларидан бошладик. 1984 йил декабрь ойида ҳар икки районда 1,5 минг гектар ерни тадқиқ қилиб чиқдик. Ҳозир бу майдонларда олиб бориладиган мелиорация ишларининг лойиҳаси тайёр бўлиб қолди. Шу районлардаги яна уч минг гектар ернинг лойиҳа-смета ҳужжатлари 1986 йилги қурилиш планига киритилади. Бундан ташқари Хива, Янгиариқ районларида ҳам қатор мелиорация иншоотлари ишга туширилаяпти. Булар мавжуд захни қочириш системалари ишини анча енгиллаштиради.

Шуни эътироф этиш лозимки, Хоразм воҳасидаги мелиорация иншоотларини реконструкция қилиш учун ўрта ҳисобда 60 миллион сўм маблағ зарур. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш иши анча муддатга чўзиладиган вазифадир. Ёлғиз Хазорасп, Боғот районларидаги 6 минг гектар ерда олиб борилаётган ишлар уч-тўрт йилга боради.

Ерларнинг шўр босиб кетишига Амударёга кўп йиллардан бери ташландиқ сувлар қўшилиб келаётганлиги ҳам сабаб бўлаётир. Дарё сувининг таркибини тозалаш учун унга қўшиладиган ташландиқ сувларни тиндиргич ҳовузлардан ўтказиш лозим. Шу кунларда бу иш билан Ўрта Осиё ирригация илмий-текшириш институти ва «Средазгипроводхлопок» мутахассислари шуғулланишаётир. Яна таъкидлаб ўтмоқчиманки, булар анча муддатга чўзиладиган ғоят масъулиятли ва муҳим вазифалар. Уларни изчил амалга ошириш тупроқ таркибини «соғломлаштириш» имконини беради. КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил октябрь Пленумида таъкидланганидек қишлоқ хўжалигини интенсивлаш мелиорация ишларини қандай амалга оширишга бевосита боғлиқдир.

# РАСМИЙ АХБОРОТ

## 1985 ЙИЛ КЎКЛАМГИ ДАЛА ИШЛАРИГА ТАЙЁРГАРЛИК ТЎҒРИСИДА

**СССР Министрлар Совети «1985 йилда кўкламги дала ишларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди.**

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, СССР министрликлари ва идоралари, автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари ва агросаноат бирлашмалари олдига КПСС Марказий Комитети 1984 йил октябрь Пленумининг қарорларига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг кўрсатмаларига амал қилиб, 1985 йилда кўкламги дала ишларини уюшқоқлик билан ва юксак агротехника даражасида ўтказишни таъминлаш вазифаси қўйилди. Шу муносабат билан улар:

колхоз ҳамда совхозларни юқори сифатли уруғлик ва кўчат билан тўла таъминлаш, машина-трактор паркини ишга ўз вақтида тайёрлаб қўйиш ва хўжаликларни механизатор кадрлар билан таъминлаш юзасидан қўшимча тадбирларни кўришлари;

мелиорация шохобчалари билан иншоотларини, ремонт қилиш ва тозалаш, ёмғирлатиш ва суғориш машиналарини, насос-куч машина ускуналарини ремонт қилиш ишларини ўз вақтида бажаришлари;

қишлоқ хўжалигига машина-механизмлар, запас қисмлар, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари ҳамда бошқа материаллар етказиб бериш юзасидан белгиланган топшириқлар сўзсиз бажарилишини таъминлашлари, колхоз ва совхозлар учун ажратилган фондлар ҳисобига уларнинг эҳтиёжлари учун моддий-техника воситаларини кўкламги экиш ишлари бошлангунича илдамроқ етказиб бериш қўшимча имкониятларини қидириб топишлари;

колхоз ва совхозларда суғориладиган ҳамда захи қочирилган ерлардан, машина-трактор паркидан, органик ва минерал ўғитлардан, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситаларидан ҳамда бошқа моддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини юксалтириш тадбирларини амалга оширишлари керак.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, СССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, СССР Озиқ-овқат саноати министрлиги ва СССР Госкомсельхозтехникаси қишлоқ хўжалик экинларини индустриал ва интенсив технологиялар асосида, шунингдек суғориладиган ерларда ҳосилни программалаштириб етиштирадиган хўжаликларга зарур техника, уруғлик, ўғит ва бошқа моддий-техника воситалари ажратиб берилишини таъминлашлари, шунингдек дала ишлари бошлангунга қадар қишлоқ хўжалик механизаторлари билан мутахассисларини ана шу технологиялар асосида қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилиш усулларига ўқитиб ўргатишни кенг йўлга қўйишлари лозим.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, министрликлар ва идораларга, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига ва агросаноат бирлашмаларига кўкламги дала ишлари бошлангунга қадар ҳар бир колхоз ва совхозда нефть маҳсулотларининг зарур запасларини яратиб қўйишни назарда тутиб, хўжаликларга ёнилғи-мойлаш материалларини олиб келишни жадаллаштириш борасида кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриш, ёнилғи-мойлаш материаллари ҳисоб-китобини яхшилаш, уларни тежаб-тергаб сарфлаш ва уларнинг нобудгарчилигига барҳам бериш юзасидан конкрет тадбирларни амалга ошириш вазифаси топширилади; нефть маҳсулотларининг талон-торож қилиниши ва улардан бошқа ишларда фойдаланилиши фактларига қатъиян чек қўйилсин.

Қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалигининг эҳтиёжлари учун запас қисмларни автотрактор, электр асбоб-ускуналарини, резина-техника буюмларини, втулка-ролик занжирларини, подшипникларни биринчи кварталда илдам етказиб беришни (20 мартгача) таъминлаш топшириқлари белгиланди. Республикалар, ўлкалар ва областларга запас қисмларни бир текис етказиб бериш зарурлигига алоҳида эътибор жалб қилинди.

Саноат министрликларига тракторлар, автомобиллар ва қишлоқ хўжалик машиналарининг запас қисмларини, машина-ускуналар, материаллар ҳамда комплектлаш буюмларини қўшимча равишда тайёрлаб, қишлоқ хўжалигига етказиб бериш юзасидан топшириқлар ҳам белгиланди.

Темир йўллар министрлиги, Денгиз флоти министрлиги ва РСФСР Дарё флоти министрлиги уруғликларни, машиналар, асбоб-ускуналар, запас қисмлар, шиналарни, металл прокати, ёғоч тахта ва бинокорлик материаллари, нефть маҳсулотлари, минерал ўғит, молга бериладиган туз, пестицидларни, кўкламги дала ишларига тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш учун зарур бўлган бошқа буюмлар ва материалларни ортиш учун вагонлар, кемалар ва контейнерлар биринчи навбатда берилишини таъминлашлари ҳамда қишлоқ хўжалигига ва суғориш ҳамда қуритиш системалари қурилишига юборилаётган юклар ортилган поездлар билан кемаларнинг ҳаракати устидан контроллик ўрнатишлари шарт.

Механизаторлар, тракторчи-машинистлар етишмаётган колхозлар, совхозларда ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида кўкламги дала ишларига уларни саноат, транспорт корхоналари ва бошқа корхоналардан, муассасалар ва ташкилотлардан жалб этишнинг ўтган йилларда амалда бўлган тартиби истисно тариқасида 1985 йилда ҳам сақлаб қолинди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари кўкламги экиш ишларига ўз вақтида тайёргарлик кўриш ва бу ишларни муваффақиятли ўтказиш борасидаги тадбирлар амалга оширилиши учун республикалар министрликлари ва идораларининг, агросаноат бирлашмаларининг, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига нисбатан талабчанликни ҳамда уларнинг шахсий масъулиятини кучайтиришлари шарт.

СССР Халқ контроли комитетига қарорда кўзда тутилган топшириқларнинг бажарилиши устидан контроллик ўрнатиш топширилди.

## ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ХИЗМАТИНИ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

**Илгари матбуотда хабар қилинганидек, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўн иккинчи беш йилликда телефон алоқасини янада кенгайтириш тадбирлари тўғрисидаги ҳамда аҳолининг телефон алоқасига бўлган талаб-эҳтиёжларини тўлиқроқ қондириш мақсадида зарур ускуналар, приборлар ва материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳақидаги масалани кўриб чиққан эди.**

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг шу масала юзасидан қабул қилинган қарорида кейинги вақтларда телефон алоқасининг моддий-техника базаси мустаҳкамланганлиги қайд этиб ўтилади. Гражданларнинг шахсий фойдаланишида бўлган телефонлар сони анча ошди, абонентларнинг ярмидан кўпроғи шаҳарлараро автомат телефон алоқасидан фойдаланиш имконига эга. Айни вақтда аҳолининг телефон алоқаси хизматига ортиб бораётган талаб-эҳтиёжи, айниқса телефон ўрнатиш ва шаҳарлараро телефон сўзлашувларини олиб беришга бўлган талаби ҳамон тўлиқ қондирилмаяпти. Автомат телефонлар тармоғи дуруст ривожланмаган.

Телефон алоқаси хизматини янада ривожлантириш мақсадида шаҳарларда ва қишлоқ жойларда автомат телефон станциялар, шаҳарлараро телефон станциялари, кабель ва радиореле алоқа линиялари қурилиши ҳажмини кўпайтириш кўзда тутилмоқда. 1986 йилдан бошлаб янги ишга туширилаётган телефонларнинг камида 75 проценти аҳоли хонадонларида ўрнатилади.

Шаҳарларда телефон орқали сўзлашувлар вақтини ҳисобга оладиган аппаратларни, шу жумладан 1986 — 1990 йилларда 12 миллион абонентга хизмат қиладиган аппаратларни жорий этиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Биринчи навбатда янги уй-жой қурилиши районларидаги ва телефон алоқаси суст ривожланган аҳоли пунктларидаги аҳоли учун кечаю кундуз бемалол фойдаланиш мумкин бўлган шаҳар ва қишлоқ автомат телефонлари тармоғини, шунингдек ўн иккинчи беш йилликда шаҳарлараро автомат телефон тармоқларини икки ярим-уч баравар ва 2000 йилга бориб 1985 йилга нисбатан олти-етти баравар кўпайтиришни назарда тутиб, шундай автомат телефонлар тармоғини анча кенгайтириш мўлжалланмоқда.

## БОЛАЛАР УЧУН КЎПРОҚ ЎЙИНЧОҚЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРАЙЛИК

**СССР Министрлар Совети «1986—1990 йилларда ўйинчоқлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг хили ва сифатини яхшилаш тўғрисида» қарор қабул қилди. Бу қарор халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ва маиший хизматни ривожлантириш комплекс программасини амалга оширишга қаратилган.**

Қарорда қайд этиб ўтилганидек, мамлакатда болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқариш муттасил кўпайиб бормоқда. Ҳар йили 1200 хилдан кўпроқ янги ўйинчоқ ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда, электрлаштирилган ўйинчоқлар ва болаларни ижод қилишга ўргатишга мўлжалланган буюмлар ишлаб чиқариш юксак суръатлар билан ривожланмоқда. Бироқ аҳолининг ўйинчоқларга бўлган талаб эҳтиёжи тўлиқ қондирилаётгани йўқ. Мактаб ўқувчилари учун ўйинчоқлар, шу жумладан мураккаб техника ўйинчоқлари, спорт ўйинчоқлари ва коллектив бўлиб фойдаланиладиган ўйинчоқлар етарлича ишлаб чиқарилмаяпти.

Қарорда ўйинчоқлар ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш, уларнинг хилларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш тадбирлари белгиланди. СССР министрликлари ва идоралари билан иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига 1986—1990 йилларда болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқариш топшириқлари белгиланди. Электрлаштирилган ўйинчоқлар ва болаларни ижод қилишга ўргатишга мўлжалланган буюмлар ишлаб чиқаришни 1985 йилга нисбатан икки баравар, спорт ўйинчоқлари ва коллектив бўлиб фойдаланиладиган ўйинчоқлар ишлаб чиқаришни икки ярим баравар кўпайтириш кўзда тутилмоқда. СССР Кўмир саноати министрлиги билан Қурилиш министрликларига ўйинчоқлар ишлаб чиқарадиган корхоналарни реконструкция қилиш ва барпо этиш топширилди.

Ўйинчоқлар билан савдо қилишни ташкил этишни такомиллаштириш, ихтисослаштирилган магазинларни кўпайтириш, шунингдек мактабгача тарбия ва мактабдан ташқари болалар муассасаларини, болалар уйларини, мактаб-интернатларни, куни узайтирилган мактаблар ва группаларни ўйинчоқлар ҳамда ўйин воситалари билан таъминлаш тадбирларини амалга ошириш мўлжалланмоқда.

## УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

**ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг уй-жой Қонунлари асосларига мувофиқ ҳамда уй-жой фондини давлат йўли билан ҳисобга олишнинг ягона тартибини таъминлаш мақсадида СССР Министрлар Совети «Уй-жой фондини давлат йўли билан ҳисобга олиш тартиби тўғрисида» қарор қабул қилди.**

Қарорда уй-жой фонди кимга тегишли бўлишидан қатъи назар у рўйхатга олиш ва техник инвентарлаштириш асосида ягона система бўйича давлат йўли билан ҳисобга олиниши кўзда тутилади.

Уй-жойлар ва гражданларнинг доимий истиқомат қилиши учун, шунингдек хизмат юзасидан турар жой хонаси ва ётоқхоналар сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган бошқа иморатлардаги турар жой хоналари давлат йўли билан ҳисобга олиниши лозим. Шу нарса белгилаб қўйилдики, уй-жойлар ва турар жой хоналари давлат қабул комиссияси томонидан фойдаланишга қабул қилиниб, рўйхатга олингандан кейин ва техник инвентарлаштирилганидан кейин улар уй-жой фонди составига қўшилади. Дача қурилиш кооперативларининг дачалари, ёзги боғлардаги уйчалар, гражданлар қанча вақт яшашидан қатъи назар мавсумий ёки муваққат яшаш учун мўлжалланган бошқа иморатлар ва хоналар уй-жой фонди составида ҳисобга олинмайди.

Уй-жой фонди уй-жойлар ва турар жой хоналари ўз қарамоғида (ўзининг мулки) бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва гражданларнинг маблағлари ҳисобига рўйхатга олиниб, техник инвентарлаштирилади.

Уй-жой фондини, шу жумладан қишлоқ жойларда техник инвентарлаштиришни ниҳоясига етказиш муддатлари белгиланди. Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига уй-жой фондининг ўз вақтида ва сифатли рўйхатга олиниб, техник инвентарлаштирилиши устидан мунтазам контролликни таъминлаш топширилди.

(ТАСС).

